

А Ж Р И М

2022 йил январь ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани “Жўрабек” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ш.Эшматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Холиқуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Яшнобод тумани прокурори ёрдамчиси С.Акилов, судланувчи ХХ, жабрланувчи ХХнинг иштирокида, судланувчи ХХХга оид 1-1009-2104/736-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХ (ХХХ) 19ХХ йил 13 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали бир нафар фарзанди бор, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 10.04.2010 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган;

2) жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 14.09.2011 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,166-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 3 йил синов белгиланган;

3) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 04.03.2019 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 25.12.2020 йилдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

4) жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 02.04.2021 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашувига асосан тугатилган, Тошкент шаҳар, ХХ тумани, ХХ кўчаси, 101-уй, 25-хонадонда яшайди, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган.



Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХ, 2021 йил 29 октябрь куни соат 16:00 ларда, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Қорасув кўчасида жойлашган “Net Club” номли компьютер ўйинлари клуби ёнида, ХХдан уяли алоқа воситасидан маротаба фойдаланиб олишини сўраб, унинг “Samsung A51” русумли уяли алоқа воситасини олиб, сўнг ХХни турли хил ёлғон гаплар билан алдаб, нарҳи 2.800.000 сўм бўлган уяли алоқа воситасини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, Яшнобод туманида жойлашган “Янгиобод бозорига” олиб бориб, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган шахсга сотиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

Суд мажлисида айбланувчи ХХ, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи ХХга етказган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи ХХ, айбланувчи ХХга нисбатан даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи ХХ ва айбланувчи ХХнинг аризаларини жиноят иши билан ўрганиб, Яшнобод туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбланувчи ХХ муқаддам оғир ва ўта оғир жиноят содир қилмаганлиги учун судланмагани, айбига иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қоплаганлиги, ярашув ихтиёрий бўлаётганлигини инобатга олиб, ХХга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчи ХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

XXX (XXX)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

XXга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи XXга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, айбланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент шаҳар судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ш.Эшматов

Нусхаси аслига тўғри:

С У Д М А Ж Л И С И Б А Ё Н Н О М А С И

2022 йил январь ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ш.Эшматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Холиқуловнинг котиблигида,



тарафлардан давлат айбловчиси Яшнобод тумани прокурори ёрдамчиси С.Акилов, судланувчи А.Махмудов ва унинг ҳимоячиси Н.Иззатуллаева ҳамда жабрланувчи Ж.Шеримбетовнинг иштирокида, Махмудов Азиз Атхам ўғлига оид 1-1009-2104/736-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган жиноят иши мазмунини эълон қилди.

Котиб суд мажлисига Яшнобод тумани прокурори ёрдамчиси С.Акилов, судланувчи А.Махмудов ва унинг ҳимоячиси Н.Иззатуллаева келганлиги ҳамда жабрланувчи Ж.Шеримбетов келганлиги ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчи тарафларга суд таркибини эълон қилди ва суд мажлиси иштирокчиларига нисбатан рад қилиш ҳақидаги ҳуқуқларини тушунтирди.

Тарафлардан раддиялар тушмади.

Раислик қилувчи гумонланувчининг шахсини аниқлади:

Махмудов Азиз Атхам ўғли (MAXMUDOV AZIZ ATXAM O'G'LI)

1991 йил 13 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали бир нафар фарзанди бор, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 10.04.2010 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан 3 йил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланганиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган;

2) жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 14.09.2011 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,166-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан 4 йил муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланганиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 3 йил синов белгиланган;

3) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 04.03.2019 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 25.12.2020 йилдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

4) жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 02.04.2021 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашувига асосан тугатилган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 101-уй, 25-хонадонда яшайди.

Гумонланувчининг шахси бўйича бошқа саволлар бўлмади.



Раислик қилувчи гумонланувчи А.Махмудовга ЖПК 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Раислик қилувчи саволига гумонланувчи А.Махмудов:

- ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли. Мен суддаги ҳуқуқларимни ўзим ҳимоя қиламан, адвокат хизматидан воз кечаман.

Суд ўз жойида ажрим қилди.

А Ж Р И М:

Судланувчи А.Махмудовнинг суд мажлисидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўз зиммасида қолдирилсин.

Адвокат Н.Иззатуллаева суд мажлиси залидан чиқиб кетди.

Раислик қилувчи жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини ўқиб эшиттирди ва ярашиш оқибатларни тушинтирди.

Раислик қилувчи жабрланувчи Ж.Шеримбетовни таклиф қилди ва унинг шахсини аниқлади:

Шеримбетов Жахонгир Эрмат ўғли (SHERIMBETOV JAXONGIR ERMAT O'G'LI) 2001 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Қорасув кўчаси, 17-уй, 67-хонадонда яшайди.

Жабрланувчининг шахси бўйича бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи жабрланувчига ЖПК 55-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Раислик қилувчи саволига жабрланувчи Ж.Шеримбетов.:

- ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли.

Раислик қилувчи жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттирди ва ярашиш оқибатларни тушинтирди.

Жабрланувчи Ж.Шеримбетов.:

- менга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасидаги ярашув оқибатлари тушунтирилди, ярашишга розиман, даъвоим йўқ.

Гумонланувчи А.Махмудов:

- ярашувга розиман.

Раислик қилувчи тарафлардан илтимос ва қўшимчалар бор йўқлигини сўради.

Тарафлардан илтимос ва қўшимчалар тушмади.

Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси С.Акиловнинг фикри:

- Ҳурматли раислик қилувчи! Гумонланувчи А.Махмудовга нисбатан жабрланувчи Ж.Шеримбетовнинг ярашиш тўғрисида ариза берганлиги, ярашиш ихтиёрий бўлганлиги, улар ярашувга рози эканликлари, етказилган моддий зарарни қоплаганлиги, гумонланувчининг айбига иқрорлигини инobatга олиб унга нисбатан айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб қўзғатилган жиноят ишини тугатиш лозим деб ҳисоблайман.



Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси С.Акиловнинг нутқи ўқиб эшиттирилиб, нутқни тўлиқ матни ёзма равишда иш ҳужжатларига қўшилди.

Раислик қилувчи алоҳида хонага кирди, алоҳида хонадан чиқиб ажримни ўқиб эшиттирди ҳамда ажрим устидан хусусий шикоят ва протест келтириш тартиби, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиш муддати ва тартибини тушунтирди.

Раислик қилувчи суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик қилувчи:

Судья ёрдамчиси:

